

## АПЕЛЛЯЦИЯ АЖРИМИ № 682

2003 йил 1 *декабр*

Фаргона шахри

Жиноят ишлари буйича Фаргона вилоят суди апелляция инстанцияси судининг очик суд мажлиси бўлиб, Раислик этувчи: А.Очилов, Хайъат аъзолари: М.Рузиева, И.Мадаминовларнинг таркибида З.Абдувалневнинг котиблигида, томонлардан прокурор Ш.Кодировнинг иштирокида, жиноят ишлари буйича Кува туман судининг 2003 йил 29 сентябрдаги чиқарган ҳукми юзасидан судланган Р.Эргашев ва жабрланувчи М.Тожибоеваларнинг келтирган апелляция шикоятини жиноят иши билан кушиб қурилганда, қуйидагилар

## А Н И К Л А Н Д И

Эргашев Рахим Назирович - 1961 йилда Охунбобоев туманида туғилган, узбек, Ўзбекистон фуқароси, урта маълумотли, онлали турт нафар фарзандлари бор, депутат эмас, давлат мукофотлари ва унвонлари олмаган, мукаддам судланмаган, «Ҳақиқат куп тармоқли савдо ишлаб чиқариш фирмасида фирма бошлиғи М.Тожибоева билан якка гартида тулик моддий жавобгарлик ҳақида шартнома» тузиб моддий жавобгар шахс лавозимида ишлаган, ҳозирда ишламайди, Охунбобоев тумани Гиштмон к.ф.й. Хужалар маҳалласида яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисми «а» банди билан 5 йил муддатга, 168-моддаси 3-қисми «а» банди билан 5 йил муддатга, 184-моддаси 3-қисми билан 3 йил муддатга, 188-моддаси 3-қисми «а» банди билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, 3 йил муддатга савдо ва воситачилик фаолияти билан шугулланишдан маҳрум қилиниб, ЖК 227-моддаси 2-қисми «а» банди билан 1 йил муддатга, 228-моддаси 2-қисми «а,б» бандлари билан 3 йил муддатга, 228-моддаси 3-қисми билан 1 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, ЖК 59-моддасига асосан жазоларни қисман қушни йули билан қатъий жазо 3 йил муддатга савдо ва воситачилик фаолияти билан шугулланишдан маҳрум қилиниб, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 август кунидаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ун йиллиги муносабати билан амнистия тугрисида» ги Фармонининг 2-моддаси қўлланиб, тайинданган асосий жазодан озод қилинган.

ЖК 96-моддасига асосан алкоголизмдан мажбуран даволаниш белгиланган.

Суднинг ҳукмига қура, Р.Эргашев белгиланган тартибда рўйхатдан утиндан буйини товлаб, назорат қилмайдиган фойда олишни қузлаб, савдо ва воситачилик фаолияти билан қонунга ҳидоф равишда шугулланиш мақсадида 1997 йил ноябр ойида узининг таниши Наманган вилояти Уйчи туманида яшовчи И.Далиевнинг 20 тонна нархи 80000 сум булган сабзиларини Фаргона шаҳар Дехкон бозорига олиб келиб сотиб, 80.000 сумни И.Далиевга олиб бориб берган.

Шунингдек, 1997 йил ноябр ойида И.Далиевнинг 13,5 тонна нарзи 300.000 сумлик картошқасини Фаргона шаҳар Дехкон бозорига олиб келиб сотиб, 300.000 сумни И.Далиевга олиб бориб берган.

Сун яна узинг 5 тонна нархи 1.633.000 сумлик сарғиларини Фаргона шаҳарга олиб келиб, номасълум шахсларга 1833000 сумга утказиб, 200.000 сум фойда олиб, давлат бюджетига тулаши лозим булган 69845 сум солиқ туловини касдан тулашдан буйини товлаб, сотувдан тушган пулдан 450.000 сумни И.Далиевга бериб, қолган 1183000 сумни уз эҳтиёжига ишлатиб юборган.

Худди шу йул билан 1998 йил феврал ойида И.Далиевни алдаб, ишончини суниестеъмор килиб, 600 дана 360.000 сумлик ДВН курилиш материалларини олиб, Жиззах шахрида номаълум шахсларга 435.000 сумга сотиб, 75000 сум фойда олиб, шундан давлат бюджетига тулаши лозим булган 13485 сум солиқ туловини тулашдан касдан буйини товлаб, сотувдан тушган пулдан 180000 сумни И.Далиевга олиб бориб бериб, колган 180000 сумини ишлатиб юборган.

2000 йил апрел ойи охирларида И.Далиевнинг 12 тонна 3600.000 сумлик метал листларини механика заводига киммат нархларда утказишини айтиб алдаб олиб, 1990 йилда Охунбобоев туман Хокимининг 252-сонли қарори билан ташкил этилиб, 1999 йил 22 июн кунидаги 25206-сонли қарори билан тугатилган, узи бошлиқ булиб ишлаган «Эргашевлар» деҳқон фермер хужалигининг ута муҳим аҳамиятга эга булган, топширмадан узида гаразли ниятда яшириб келатган думалок мухридан фойдаланиб, 2000 йил 10 май куни «Саховат» фермер хужалиги билан «Эргашевлар» деҳқон фермер хужалиги уртасида 5-сонли қалбақи шартнома тузиб, 11 май куни 3-сонли ишонч қогози, 6-сонли қалбақи юк хати тузиб, Фаргона шахрида номаълум шахсларга 1408700 сумга сотиб юбориб, фирибгарлик йули билан узлаштирган.

Р.Эргашев «Ҳақиқат» қуп тармоқли савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари М.Тожибоева билан 2000 йил 10 октябрда «якка тартибда тулик моддий жавобгарлик ҳақида намунавий шартнома» тузиб, узига ишониб топширилган фирманинг 210000 сумлик сугир ва бузоғини М.Тургуновга сотиб юбориб узлаштирган.

2000 йил 10 ноябр кунлари яна шу фирманинг 145000 сумлик бир бош қора молини М.Тургуновга сотиб юбориб, пулларни узлаштирган.

Яна шу йул билан 2000 йил 14 ноябр куни фирманинг турт бош 494000 сумлик қора молларни бозорга олиб чиқиб сотиб юбориб талон тарож қилган.

2000 йил ноябр ойида яна фирманинг бир бош 115000 сумлик қора молини Н.Тошболтаевга сотиб юбориб талон тарож қилган.

2000 йил ноябр ойида яна шу йул билан фирманинг олти бош 1.947.150 сумлик қора молларини номаълум шахсларга сотиб юбориб пулларини уз эҳтиёжига ишлатиб юборган.

Фирма бошлиғи М.Тожибоева Р.Эргашевнинг фирмага тегишли қора молларни сотиб юбораётганлигини билиб қолиб, ишчиларга узининг руҳсатсиз ҳеч қимга молларни бермаслик ҳақида топширик берганини билганидан сунг, Р.Эргашев М.Тожибоевани алдаб, унга фермадаги молларни сотиб урнига қичикроғини олиб урнини қолаб, урталаги қолган пулга терак ва ёнғоқ дарахтларини сотиб олиб, улардан яшиқлар ва тахта материаллари ишлаб чиқариб қатта фойда олиш мумкинлигини айтиб, 2000 йил ноябрида фирманинг олти бош молларини Охунбобоев туман бозорида 803000 сумга сотиб, 385000 сумга беш бош қичик майда орик молларни харид қилиб, қолган пулдан 97000 сумга 20 туп терак олиб, 18050 сумини харажатга ишлатиб, қолган 302950 сумини узлаштириб, 20 туп теракни ҳам қайта ишлаш имкони булмагани учун М.Тожибоевани руҳсати билан Қумтепа бозорида сотиб, жами 399950 сумни фирибгарлик йули билан талон-тарож қилган.

2000 йил ноябр ойида худди шу йул ва усул билан беш бош молни 625000 сумга сотиб, турт бош қичик молларни 334000 сумга харид қилиб, қолган пулдан 33000 сумини фермадаги тамирлашга ишлатиб, 20000 сумга озика сотиб олиб, ортган 238000 сумни терак дарахти сотиб олиб қайта ишлашни айтиб М.Тожибоевани алдаб фирибгарлик йули билан талон тарож қилган.

М.Тожибоева Сурхандарё вилоятидан насли қуйларни олиб келиш мақсадида Фаргона вилоят «Чорванаслхизмат» ҳиссадорлик жамияти билан 2000 йил 25 сентябрь куни шартнома тузиб, «Чорванаслхизмат» ҳиссадорлик жамияти ҳисоб рақамига 2000000 сум пул утказиб, «Чорванаслхизмат» ҳиссадорлик жамияти

собик бош зоотехниги Н.Туйчиев ва Р.Эргашевлар Сурхандарё вилоят Денов шаҳридан «Хиршид» фирмаси бошлиги Ф.Алиев орқали хусусий тадбиркор Б.Дудаловга тегишли булган 66 бош куйлар ва бир бош эчкини 1.902.900 сумга келишиб, куйлар насли булмасида куйларни насли эканлиги хақида, кулокларида булмаган номерлар рақамлари, тугилган йиллари, тирик вазини тортиб куришмаган булсаларда, калбаки равишда ёзишиб, Сурхандарё «Чорванаслхизмат» хиссадорлик жамияти бош зоотехниги М.Хонимов билан 2000 йил 24 ноябр кунидан 111-сонли калбаки акт тузишган. Р.Эргашев куйларни Сурхандарё вилоятидан Фаргона вилоятига олиб келишда бир бош куй оёғи синганлиги сабабли суйиб куйиб, гуштини шахсини аниклаш имкони булмаган фуқарога 8000 сумга сотиб пулини уз эҳтиёжи учун ишлатиб юборган.

2000 йил 26 ноябр куни Сурхандарёдан олиб келинган куйларни ориқлиги, касаллигини курган М.Тожибоева Р.Эргашевдан куйларни насли эканлигини тасдиқловчи хужжатларни такдим этишни талаб қилганида, Р.Эргашев бу хақида Фаргона вилоят «Чорванаслхизмат» хиссадорлик жамияти бошлиги О.Усмонов ва бош зоотехник Н.Туйчиевларга етказиб, улар Сурхандарё вилояти «Наслчилик бирлашмаси» га телефон қилишиб зоотехник М.Хонимовдан сотиб олган куйларни наслилигини тасдиқловчи буш булган «Племеное свидетельство» ларга «Хиршид» фермер хужалиги думалок мухрини босиб жунатиб юборишни сураган. М.Хонимов 84 дона бундай бланкаларини номаълум хайдовчидан Фаргона вилоят «Чорванаслхизмат» хиссадорлик жамиятига жунатиб юборган. Бу буш бланкаларни Фаргона вилоят «Чорванаслхизмат» хиссадорлик жамияти бошлиги О.Усмонов, зоотехник Н.Туйчиев, Р.Охунов, ветеринария врачлари М.Мирзаевлар биргаликда куйларни жинси, кулогидаги номерлари, қачон қаерда тугилганлиги, тирик вазни, қайси синфга тааллуқлилиги хақида калбаки ёзувлар киритиб, «Племеное свидетельство» ни калбаки эканлигини била туриб, «Хақиқат» фирмаси билан вилоят «Чорванаслхизмат» хиссадорлик жамияти уртасидаги низоли ишни кураётган Фаргона вилоят хужалик судига такдим этган.

Р.Эргашев 2000 йил декабр ойида яна фирманинг узига ишониб топширилган 7 бош 130000 сумлик куйларини Ёзёвон тумани мол бозорида сотиб юбориб, узлаштирган.

«Хақиқат» қуи тармоқли савдо ишлаб чиқариш фирмаси бошлиги М.Тожибоева Сурхандарёдан фирма вақили Р.Эргашев томонидан олиб келинган куйларни насли эмаслигини билиб қолганлиги сабабли Р.Эргашев узининг содир этган жинояти изларини йуқотиш мақсадида «Хақиқат» фирмасини қаттиқ хиссобида турадиган, ута муҳим аҳамиятга эга булган думалок мухрини угирлаб олиб, фирма бошлиги М.Тожибоева номидан вилоят «Чорванаслхизмат» хиссадорлик жамияти бошлиги О.Усмонов билан сотиб олинган куйларни хиссадорлик жамиятига қайта сотиб, утказиш хақида 2000 йил 12 декабр куни 43-сонли контрактация шартномаси тузиб, «Хақиқат» фирмаси думалок мухрини босиб, фирма бошлиги М.Тожибоева уринга узи имзо куйиб, калбаки шартнома билан фирмадаги 14 бош куйларни хиссадорлик жамиятига утказиб юборган. «Чорванаслхизмат» хиссадорлик жамияти уз урида куйлар учун 453600 сум фирмага пул утказиб берган.

Судланган Р.Эргашев ва химоячиси Б.Исмоиловлар апелляция шикоятида, М.Тожибоева 32 бош куйлар, 7 бош қора молларни узи олиб кетганлиги неботланганлиги, ем хашак ва озикаларга кетган харажатлар курсатилмаганлиги, давлатга 1.478.545 сум нотугри ундирилганлигини курсатиб, узини сил касаллиги билан касалланганлигини яътиборга олиб, ҳукмин бекор қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Амнистия Фармонларига асосан жиноят ишнини харақатдан тугатишни сураган.

Жабрланувчи М.Тожибоева шикоятда Р.Эргашев 6.000.000 сумга яқин банкдан олган кредит маблағини узлаштирганлиги, ҳозирда бу пул 15.000.000 сумга етганлиги, бу талон тарождлар узига инебаган уюштирилганлигини кўрсатиб, жинойт ишнинг қўшимча тергов юритиш учун қайтаришни сураган.

Иш юзасидан жинойт ишлари бўйича вилоят судининг судьяси И.Мадаминовнинг маърузасини, прокурор Ш.Кодировнинг суднинг ҳукми узғаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини эшитиб, апелляция инстанция суди иш материалларини ҳар томонлама текшириб, қуйидаги асосларга қўра, суднинг ҳукмини узғаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланган Р.Эргашевнинг содир этган жинойти у уз айбига иқроф бўлмасда, узининг дастлабки тергов ва суддаги курсатувлари, жабрланувчи И.Далиев ва М.Тожибоеваларнинг дастлабки теговдаги курсатувлари, гувоҳ Р.Тхой, А.Сиддиқов, Р.Юнусов, С.Атақулова, Г.Хамдамов, О.Хамдамов, О.Усмонов, Н.Охунов, О.Хайдарова, К.Чалабоев, И.Ваҳобов, Н.Тўйчиев, А.Баннопов, И.Мамадалиев, Ш.Хужамовларнинг курсатувлари, Р.Эргашевнинг И.Далиевдан 12 тонна метал лист олганлиги ҳақидаги тилхат (ишнинг 3-жилд 30, 7-жилд 211-варақлари), «Эргашевлар» фермер хужалиги тугатилганлиги ҳақидаги Охунбобоев туман хокимининг қарори (ишнинг 1-жилд, 24, 3-жилд 16 варақлари), Охунбобоев туман ИИБнинг Р.Эргашевдан 2000 йил 22 июнда «Эргашевлар» фермер хужалигининг думаток муҳри олиниб, яроксизлангизилганлиги ҳақидаги далолатнома (ишнинг 3-жилд 15-варақи), хатшунослик экспертизалари хулосалари (ишнинг 1-жилд 19, 3-жилд 5, 7-жилд 171-варақлари), Р.Эргашевнинг 1.408.700 сумдаромал солиғини тулашдан буйини товлаганлиги, ҳамда Р.Эргашев сарғ ва ДВП маҳсулотларини сотиб 82330 сум солиқ туламаганлиги ҳақидаги текширув далолатномалари (ишнинг 7-жилд, 276, 3-жилд 213-варақлари) ва ишдаги тупланган бошқа далиллар билан тасдиқланган.

Судда Р.Эргашев 1997 йилда Наманган вилояти Уйчи туманилик қурдоши И.Далиевнинг 20 тонна сабзисини олиб келиб сотиб бозорда сотиб, пулини И.Далиевга олиб бориб берганлиги, шу йили И.Далиевдан 10 тонна картошка олиб, уни пулини қасал бўлиб қолганлиги учун 3-4 йил бера олмаганлиги, И.Далиевдан 12 тонна метал лист олмаганлиги, И.Далиев солиқ органи текшираётганлиги сабабли шу листларни унга берилганлиги ҳақида хужжат қилишни илтимос қилгани учун унга листларни олганлиги ҳақида хужжат қилиб берганлиги, 5 тонна сарғ олганлиги, уни ҳам сотиб пулини берганлиги, 600 дон ДВП ни ҳам олиб сотиб пулини берганлиги, ҳақиқатдан ҳам қасал бўлиб қолганлиги учун Исмоилдан олган таварлар пулини уз вақтида қайтара олмаганлиги, лекин кейинчалик тулик узганлиги, унга қарз эвазига битта дўнобаза ва битта ЯИЗ сув насоси берганлиги, 1990 йилларда фермер хужалиги ташкил этилиб, Охунбобоев туман жамоа хужаликлари билан алоқа қилиб, қатта микдордаги ҳақи хужаликларда қилиб кетганлиги сабабли М.Тожибоева билан 2000 йилда танишиб қолганлиги, Мутабар хужаликдаги ҳақларини ундириб беришни айтганлиги, чорвачилиқдан маълумоти бўлганлиги сабабли эвазига унга чорва фермасини юритишда қумаклашганлиги, у билан моддий жавобгарлик ҳақида шартномани урталарида узаро низо келиб чиққанидан кейин мажбурий тартибда туздирганлиги, ҳақиқатдан ҳам М.Тожибоевага тегишли бўлган қорамолларни бозорда сотганлиги, лекин пулини уни узини эҳтиёжи учун ишлатганлиги, М.Тожибоева шу пулларга офис қурганлиги, уй сотиб олганлиги, Тошкентга бориб келишда йўлқира қилганлиги, у қачон пул керак бўлса мол сотишни тоширик берганлиги, уни тошириги билан мол сотганлиги, 2000 йилни охирида М.Тожибоева ишлаган ишлари учун иш ҳақи бермаганлиги, 7 бош қуйларни бозорга олиб чиқиб 130000 сумга сотиб пулларини ишлатиб юборганлиги, Сурхандарёдан М.Тожибоевани тошириги билан наслик қуйларни олиб келиш мақсадида вилоят «Чорванаслхизмат» хиссадорлик жамияти

зооёхшиги Н.Туйчиев билан 66 бош насли куйлар ва бир бош эчкини олиб келинганлиги, у ердан олинган куйлар яхши эчкилиги, йул узок будганлиги учун куйлар уриниб колганлиги, бир куй куйлар тагида колганлиги учун мажбур суйганлиги, куйлар тулик хужжатлар асосида олиб келинганлиги, хужжатеиз Сурхондарёдан умуман куй олиб келиб булмамлиги, чунки санитарий нустилардан утинлиги, 1990 йилда дехкон фермер хужалигини ташкил этиб, 1999 йилда фаолияти вактинча тухтатилганлиги сабабли думолок мухрини тоширмаганлиги, шу думолок мухрдан фойдаланганлигини курсатган.

Жабрланувчи И.Далиев дастлабки терговда Р.Эргашевни 1978 йилдан буён танишлиги, институтда бирга укингани, Р.Эргашев 1997 йил куз ойларида 20 тонна сабзини 80000 сумга, 13 тонна картошкани 300000 сумга «насияга» сотиб олиб кетганлиги, картошкани пулини тулик кайтарганлиги, 1998 йил кийш ойларида 5 тонна 1.625.000 сумлик «сливочное масло»ни пулини бир ойда кайтариб бериш шарти билан олиб кетиб, шундан 475.000 сумини берганлиги, 300.000 сумга сотиб олган 600 дона ДВП материалларини Жиззах шахрига олиб бориб сотиб беришини айтиб олиб кетиб, ярим пули 180000 сумини бериб колганини бермагани, 2800000 сумга олган 12 тонна метал листларни 3.600.000 сумга утказиб беришини айтиб 2000 йил 25 апрелда тилхат этиб бериб олиб кетиб, алдаб пулини бермаганлиги, бир неча марта сураб борганида, кейин пулини утказиб беришга ваъда бериб, иккала фермер хужалиги уртасида шартнома тузингани, бироқ утказиб бермагани, «Эргашевлар» фермер хужалиги тугатилганидан хабари булмагани, олаётган кредит пулидан утказиб беришга вада бериб яна алдагани, жами 1860000 сум зарар етказганлиги, Р.Эргашев М.Тожибоевнинг мол куйларини бокиб юриб, сотиб юборганлигини эшитганлиги, узининг судланувчига давоси йуклигини курсатган.

Жабрланувчи М.Тожибоева дастлабки терговда, «Хакикат» номли кун тармокли савдо ишлиб чиқариш фирмаси ташкил қилганлиги, Р.Эргашев билан тузилган якка тартибда тулик моддий жавобгарлик тугрисида намунавий шартномага асосан, фирмадаги барча моддий бойликлар унинг жавобгарлигида булганлиги, 2000 йил 29 сентябрда «Яхшилик» фермер хужалигидан 5.000.000 сумга 25 бош кора мол, 930 кг. омикта ем, 2150 кг. шулуха сотиб олишгани, 2000 йил 22 октябрда Р.Эргашев 6 та молни 803000 сумга сотиб, 385000 сумга майдарок моллар, 400000 сумга терак ва ёнгок дарахтилари, 10000 сумга хашак сотиб олганлиги, пулини у курмаганлиги ва олмаганлиги, 2000 йил 26 октябрда Р.Эргашев 5 бош молни 625000 сумга сотиб, 334000 сумга майдарок мол, 103000 сумга терак сотиб олганлигини, колган қисминини молхона ремоти, силёс хамда қуришни моллари сотиб олишга ишлатганлигини айтганлиги, бироқ пулини узини курмаганлиги ва олмаганлиги, Сурхондарёга кетаётган Р.Эргашев турт бош куйларни 494 000 сумга сотиб юборганлиги, Маъсум исмли шахсга 145000 сумга бир бош сиғирини сотиб юборганлиги, уч бош кора молларини сотиб офисни ремотига ишлатганлиги, етти бош кора молларини узини олиб кетганлиги, турт бош кора молларини Р.Эргашев қимга қачон сотгани, пулини ишлатиб юборгани хақида билмаганлиги, молларини сотишдан тушган маблағидан 993000 сумини узини олинган кредитни фозини тулашга, офисни ремотига ишлатганлиги, 1.017.390 сумини Р.Эргашев терак ва ёнгок дарахтилари, молларга озука ва бошка харажатлар учун ишлатганлиги, жами 2.010.390 сум ишлатилгани, 2000 йил 26 ноябрда Р.Эргашев фирмага 63 бош куй ва бир бош эчки олиб келиб, хужжатларини камаз машинаси хайдовчисида кетиб колганлигини бахона қилиб бермаганлиги, 2000 йил декабр ойида Тошкент шахрида хизмат сафарида юрган вактида, 14 бош куйларни Р.Эргашев «Чорванаслхизмат» га шартнома асосида бериб юборганлиги, бир бошни харом улгани, бир бошни суйилгани, 33 бош куй ва бир бош эчкини узини Р.Эргашевдан кайтариб олганлиги, колган 15 бош куйларини Р.Эргашев сотиб, ишлатиб юбориб, 562.590 сум зарар етказгани, етказилган зарарларини Р.Эргашевдан ундириб беришни сураб курсатув берган.

Гувоҳ Р.Ҳой М.Тожибоевани уйда устачилик қилиб юрган вақтида у билан Охунбоев массивига Р.Эргашевни излаб бориб, М.Тожибоева Р.Эргашевдан қуйларни сурштиргани, унга прокурорга олиб боришини айтганида, Р.Эргашев ундай қилмаслиқни, қуйларни жойига қуйиб қуйишини айтганилигини эшитганилигини қурсатган.

Гувоҳ А.Сиддиқов молбоқар бўлиб ишлаб, 25 та мол, 64 та қуйларни боқишгани, Р.Эргашев билан Р.Эргашевнинг ҳамда М.Тожибоеваларнинг топширигига асосан бозорда молларни сотишгани, урнига кичик моллар, терак харид қилишгани, пулларни Р.Эргашев олганлиги, лекин қаерга ишлатганилигини билмаслиги, М.Тожибоева фермага 10-15 қунда бир марта келиб-кечиб юргани, ҳамма ишларни Р.Эргашев бажариб, фермани бошқарганлиги, қуйларни ҳам бозорга олиб чиқиб, 30000-32000 сумдан сотишгани, фермадан М.Тожибоева 32 та қуй, битта эчки ва 7 та молларни олиб чиқиб кетганилигини қурсатган.

Гувоҳ Р.Юнусов ва О.Хамдамовлар фермада молбоқар бўлиб ишлашганилигини айтиб, гувоҳ А.Сиддиқов билан бир хилда қурсатув берган.

Гувоҳ С.Атакулова Р.Эргашевнинг иккинчи хотини эқанлиги, у билан Сурхондарёдан 70 тача қуй ва эчкиларни олиб келишга борганлиги, йулда битта қуйни оёғи сииб қолганида уни гуштишни ошхонага топширишганини қурсатган.

Гувоҳ Г.Хамдамов Р.Эргашевга хайдовчилик қилиб, 1997 йилда Намангандан картошка ва сарёғ олиб келишганлиги, улар бозорда сотилгани, пулларни Р.Эргашев олиб, унга ёнидан иш хақи тулаганлигини қурсатган.

Гувоҳ О.Усмонов «Чорванаслхизмат» хиссадорлик жамияти бошлиги бўлиб ишлаб, хужалиқлар ва фермаларга насли чорва хайвонларини етказиб бериш билан шугулланишгани, 2000 йилда «Хакикат» фирмасига шартнома асосида Сурхондарёдан насли хисор қуйларини жамият зоотехниги Туйчиев ва фирма вакили Р.Эргашевлар олиб келишгани, қуйларни «племенное свидетельство» лари булмаганлиги, М.Тожибоева эса буни талаб қилаётганилигини айтганида, Сурхондарёдан буш бланкаларини ташлаб кетишгани, уларни тулдириб, Р.Эргашев орқали М.Тожибоевага беришганлигини қурсатган.

Гувоҳ Н.Охунов, О.Хайдарова, К.Чалабоев, Н.Вохобов, Н.Туйчиев, А.Баннонов, А.Маматов, Ш.Хужамовлар жиний воқеа ҳолатларини тасдиқлаб судда қурсатув беришган.

Дастлабки тергов ва суд органи томонидан Р.Эргашевнинг содир этган жиноятлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисми «А» банди, 168 - моддаси 3-қисми «А» банди, 184-моддаси 3-қисми, 188-моддаси 3-қисми «А» банди, 227-моддаси 2-қисми «А» банди, 228-моддаси 2-қисми «А,Б» бандлари, 228-моддаси 3-қисми билан тугри малакалаган ва суд унга жазо тайинлашда жазосини оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларини инобатга олиб, қонун санкциясида қурсатилган жазо тури ва меъёрини тугри тайинлаган.

Бирок етказилган зарар суммасини ундиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Жиний ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тугрисида»ги қарорида қурсатилган, «жиний тажовуз оқибатида етказилган моддий зарар миқдорини аниқлашда, мулкнинг моддий зарарини ундириш ҳақида қарор чиқарилаётган қундаги нархини инобатга олиш зарур»- деган талабинини бажармай, талон-тарож қилинган мол-қуйларни ҳукм чиқарилаётган қундаги нархини олмаган.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси суди, вилоят статистика бошқармасининг 2003 йил 27 ноябрдаги 411/14-сонли маълумотига асосан 2003 йил 11 ноябр ҳолатига қорамолларни ҳар бир бошининг 354000 сумдан, бир бош бузоқни 176000 сум, ҳар бир бош қуйини 92000 сумдан эқанлигини инобатга олиб, 17 бош моллар, 1 бош бузоқ ва 8 бош қуйларни нархини қайта ҳисоблаб, бу зарар миқдорида 11 бош қорамолларни сотиб, кичикрок моллар, терак, ёнғок ва молларга озуқалар

сотиб олишга сарфлаганини қолган, талон-тарож қилинган суммасини қўшиб  
ҳисоблаб, Р.Эргашевдан М.Тажибоевага фойдасига ундирилган суммани  
миқдори 7.305.114 сум қилиб белгиланиши лозим тўғриси.

Р.Эргашевнинг шикоят важдари асоссиз, чунки етказилган зарар миқдори  
32 бош қўй ва 7 бош моллар киритилмаган. Шунингдек, ет, хашак, озика ва бошқа  
харажатлар чегириб ташланиб, зарар миқдори амалда талон тарож қилинган  
маблагдан ҳисоблаб чиқарилган. Бундан ташқари, Р.Эргашевнинг касаллиги унга  
нисбатан ҳукми бекор қилишга асос бўлмайди. Қолаверса, 1.478.545 сум айнан 10  
тонна картошкани туланиши лозим бўлган солиқ суммаси бўлмай, балки  
Р.Эргашев томонидан туланмаган барча солиқ суммаларидир.

М.Тажибоеванинг олган 6 млн. кредит суммаси талон тарож қилинган, бу  
суммани ҳозирдаги қиймати 15 млн. сумни ташкил қилиши ҳақидаги важи етарли  
далиллар билан исботланмаган. Бундан ташқари, бу талон тарожлар  
М.Тажибоевани моддий ва маънавий нуқсонга учратиш учун уюштирилганлиги  
ҳақидаги важдари асоссиз, чунки бу ҳолатлар на дастлабки тергов ва на суд тергови  
жараёнида аниқланмаган ҳамда бу ҳолатларни тасдиқловчи ҳеч қандай далиллар  
ни материалларида мавжуд эмас. Шунингдек, жиноят ишнинг қўшимча тергов  
юртиш учун қайтариш учун ҳам асослар йўқ.

Юқоридагиларга қура, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 490, 496, 497-11, 497-  
13, 497-18-моддаларини қўллаб, апелляция инстанция суди

#### А Ж Р И М К И Л Д И

Жиноят ишлари бўйича Кува тумани судининг 2003 йил 29 сентябрдаги  
Эргашев Раҳим Позиловичга нисбатан чиқарган ҳукми узғаришсиз, келтирилган  
апелляция шикояти қамоқдан қайтарилган.

Судланган Р.Эргашевдан жабранувчи Тажибоева Мутабар фойдасига  
ундирилган 3.687.100 сум зарар миқдори 7.305.114 сум қилиб белгилансин.

Раислик этувчи: *Ишзо*

Хайъат аъзолари: 1. *Ишзо* 2. *Ишзо*

*Ажрим шикояти оқибатлари,  
деб иш бўйича мазкурот  
вилоят судининг суръаси* *И. Мадр. шиков*